Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 62 (8552). ● 27 март, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ҒОЛИБЛАРГА БАЙРОҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

1984 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва соцнал ривожлантириш давлат планини ҳамда социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари учун республика социалистик мусобақасининг ғолиблари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советн ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига сазовор бўлдилар.

Юксак мукофотларни:

Фарғона областига — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси О. У. Салимов;

Андижон областига —Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров;

Бухоро шаҳрига — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров;

Тошкент шаҳрининг Ҳамза районига — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева;

Навоий кон-металлургия комбинатига — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин;

Мўйноқ шаҳрига — Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов;

Тошкент шаҳрининг Ленин районига — Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров тантанали вазнятда топширдилар. (ЎзТАГ).

20 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

АБДУЖАББОРОВ БРИГАДАСИНИНГ ҲИССАСИ

Бекободдаги 16-автокорхонанинг илғор ҳайдовчиси — Ҳабибулла Абдужабборов бригадаси ўтказган йиғилишда ҳайдовчиларнинг 20 апрель куни қиладиган ишлари ҳақида гап борди.

Ҳозир бригадир 1989 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. У меҳнат байрамида ҳам зарбдорларча ишлашга, кунлик топшириқдан икки ҳисса кўп — 770 тонна бинокорлик материали ташишга қарор қилди. Бригадада ўн учта ўн икки тоннали кучли КРАЗ бор. Буларнинг ҳаммаси иш вақтидан оқилона фойдалана оладиган, техника ва маршрутларни жуда яхши биладиган тажрибали ҳайдовчиларга бириктирилган. Шу куни бригада норуда материаллар конида ишлайди, бу ердан майдалаш-саралаш комплексига юк етказиб беради. Бригада аъзолари тузган графикка қатъий риоя этиш юксак меҳнат унумдорлигини таъминлайди. Улар 20 апрель куни топшириқни 35 процент ошириб адо этишга, рейсларнинг бир қисмини тежалган ёқилғи ҳисобига бажаришга азму қарор бердилар.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ТРИКОТАЖ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмасининг тикувчиси Дина Степановна Остапчук шанбалик кунида норманн йигирма процент ошириб бажариш мажбуриятини олди. Унинг бу ташаббусини тикув цехининг кўпгина ишчилари қўллаб-қувватлашди. Бирлашма бичиқчилари ҳозирдаёқ тикувчиларнинг юксак мажбуриятларни бажаришларн учун замин яратмоқдалар. Улар газламани бичишнинг илғор методларидан фойдаланиб, меҳнат байрамида ишлаш учун замин тайёрлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

«Малика» трикотаж бирлашмасининг ишчиларидан 4400 киши москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, «Қизил шанбалик»да ўз иш жойларида туришга қарор қилди. Улар қарийб 300 минг сўмлик юнйимкечак тикадилар. Бу эса кунлик топшириқда кўзда тутилганидан 65 минг сўм кўпдир.

(ЎзТАГ мухбири)

ҚЎШИМЧА ПОЙАБЗАЛЛАР

ЯНГИЙЎЛ шаҳар пойафзал фабрикасининг ишчи-хизматчилари ҳозирданоқ Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида энг юқори унумдорликка эришиш учун пухта замин тайёрламоқдалар. Пойафзалчилар шу куни ҳар қачонгидан унумли меҳнат қилиб, рекорд натижаларга эришишга аҳд қилишган.

«Қизил шанбалик»да 1183 киши иштирок этади. 1139 нафар пойафзалчи эса ҳар қачонгидек ўз меҳнат постларини эгаллайди. Улар жами 8800 жуфт болалар пойафзали тикиб беришади.

Айни пайтнинг ўзида корхона территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Шу куни мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш билан бирга Бекобод металлургларига жўнатиладиган кўплаб металлолом ҳам тўпланади.

Шанбалик давомида 52 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади, 4800 сўм беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. ЮСУПОВ.

ДЕҲҚОНЛАРИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

БУ ЙИЛ қиш чўзилиб кетди. Совуқ, ёғин-сочинли кунлар узоқ давом этди. Лекин табиатнинг бу қалтис ҳазили қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг шаштини асло қайтара олмади. Улар кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб, омилкорлик ва тадбиркорлик билан меҳнат қилиб, вақтинчалик рўй берган қийинчиликларни енгмоқдалар, дала ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга қаратилган ҳамма чора ва тадбирларни амалга ошираётирлар.

Область меҳнаткашлари республика қишлоқ хўжалиги ходимлари йиғилиши кўрсатмалари асосида ўз ишларини тубдан яхшилаш тадбирларини белгилаб олдилар. Улар 1985 йил учун зиммаларига юксак мажбурият қабул қилдилар. Давлатга 414 минг тонна пахта, 321 минг тонна каноп пояси, 87 минг тонна ғалла, 863,5 минг тонна мева-сабзавот ва картошка, кўплаб миқдорда гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишга аҳд қилдилар. СССРнинг Озиқ-овқат программасининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшиш иштиёқи ҳар бир қишлоқ аҳлининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Ташаббускорлик, ватанпарварлик ҳаракатларини жўш урдираётир. Мўл-кўлчилик яратиш учун авж олдириб юборилган бу умумхалқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида, табиийки, пахтакорларимиз бормоқдалар.

Бу йил областимизда 140 минг гектар ерга чигит экилади. Ана шу майдонлар самарадорлигини ошириб, мўлжалдаги ҳамда сифатли, толаси яхши бўлган ҳосилни олиш учун биринчи навбатда кўкламги экишга намунали тайёргарлик кўриш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир район, колхоз ва совхозда ишни аниқ мақсадни кўзлаб ташкил этиш зарур. Бу жиҳатдан Оққўрғон, Ғалаба райнонлари, шу районлардаги С. Сегизбоев номли, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозлари, Ленин номли колхоз, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозларда олиб борилаётган ишлар ғоят диққатга сазовордир. Бу хўжаликларда техника, ер ва бошқа воситалар тайёр қилиб қўйилган. Чигит экишга ҳозирлик кўриш билан боғлиқ ҳамма тадбирларнинг бажарилиши ҳар куни таҳлил этиб борилади.

Лекин барча район ва колхоз-совхозларда ҳам чигит экишга тайёргарлик ишлари ўз муддатида ва юксак савияда амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Пискент ва Паркент районларининг деҳқонлари ва боғбонлари анча суст ҳаракат қилмоқдалар. Ишлар анча тиғизлашган бу йилги шароитда йўл қўйилган озгина хато ва хотиржамлик кейнинги кунларга бориб жуда қимматга тушиши мумкин. Буни ҳамиша ёдда тутиш зарур. Шунга эришиш керакки, тупроқ етилиб, қулай фурсат келиши биланоқ ҳамма ерда чигит экишга киришиш ва бу ишни қисқа муддатларда сифатли тугаллаш, уруғликни ернинг табиий намига ундириб олиш мумкин бўлсин. Бунинг учун ишни олдиндан тузилган график асосида, илғорлар тажрибаси, фан ва техника ютуқларини қўлланиб, йилимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Деҳқонларимиз ҳосил уруғдан бошланади, дейдилар. Шунинг учун ҳам энг биринчи навбатда ҳар бир колхоз ва совхозда уруғлик фондларининг қандай аҳволда эканлигини кўриб чиқиш, уларни вақтида саралаб, қуруқ жойларда сақланишига эътибор бериш керак. Бу йилги шароитда экишнинг тақдири, сифатли ўтказилиши асосан техниканинг қай даражада шай қилиб қўйилганлигига, механизаторларнинг тайёргарлиги ва маҳоратига боғлиқдир. Кўп жойларда мавжуд техника сифатли ремонтдан чиқарилиб сафга қўйилган. Лекин ана шу тайёр дейилган техниканн ҳам амалий машғулотлар пайтида яна бир бор синовдан ўтказиш шарт.

Маълумки тупроқ майин, донадор бўлсагина уруғлик яхши униб чиқади. Серкесак далага экилган чигит хато унади, унганлари ҳам яхши ривожланмайди. Чунки чуқур илдиз отолмайди. Уста деҳқонларимиз буни яхши биладилар. Шунинг учун ҳам экишнинг бошланишига саноқли кунлар қолган ҳозирги дамларда пахтакор ва механизаторлар ерни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришлари зарур. Чунки ўтган йили кўпгина жойларда ерларни ғўзапоядан тозалаш ва шудгорлаш сингари муҳим агротехник тадбирни амалга ошириш ёғин-сочинли совуқ кунларга қолиб кетди. Шунинг учун ҳам ўша жойларда шудгорлаш сифатли бажарилмадн. Энг биринчи навбатда ана шундай майдонларни экишга тайёрлаш, сифатли текислаш лозим.

Олимларимиз бу йилги шароитда маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланишни тавсия этмоқдалар. Чунки маҳаллий ўғит тупроқни ҳамиша майин ҳолда сақлайди, қиздиради. Микроорганизмлар фаолнятини активлаштиради. Бироқ, ғўнғдан фойдаланишда ҳам технология қоидаларига қатъий амал қилиш зарур. Бундай ўғитни ернинг юзасига, айниқса, чиримаган ҳолда солишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳол далаларда бегона ўтларнинг кўпайишига олиб келади. Бусиз ҳам айрим хўжаликларда агротехника талабларига юзаки қараганлигн ва сифатсиз бажарилганлиги учун далаларда бегона ўт кўпайиб кетган. Ўтган йили областимизда 26 колхоз ва совхозда пахта планининг бажарилмай қолганлиги, шуннинг ҳисобига 8,5 минг тонна пахта давлатга кам етказиб берилганлиги, 30 колхоз ва совхозда — 40,5 минг гектар майдонда пахта ҳосилдорлиги 30 центнердан камайиб кетганлиги, шунингдек каноп пояси, ғалла, сабзавот, маҳсулотлари етиштириш ҳам анча озайганлиги сабабларидан бири ҳам шундадир.

Район партия, совет ташкилотлари, хўжалик органлари энг биринчи навбатда ана шу қолоқ колхоз ва совхозлар, бригадалар ва бўлимларнинг ишини кузатиб, уларда дә саларни экишга тайёрлаш ишларининг аҳволини алоҳида назорат қилишлари, қолоқликни тугатиш, ҳосилдорликни ошириш бўйича белгиланган тадбирлар қандай амалга оширилаётганлигини таҳлил қилиб боришлари, тегишли кўрсатма, тавсиялар билан бирга амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Бу ўринда агросаноат бирлашмалари мутахассисларининг зиммасига алоҳида масъулият юклатилгандир. Улар колхоз ва совхозларда ишнинг бошидан пишиқпухта бўлиши учун курашишлари керак. Ҳар бир даланинг, картанинг тупроқ шароитига мос тадбирлар ҳозиржавоблик билан жорий этилишини таъминламоқлари зарур.

Деҳқоннинг ҳақиқий баҳори бошланди. Кунлар исиб кетди. Бу йилги тиғиз шароитда кўкламнинг кунлари эмас, ҳатто соатлари йилга татийди. Пахтакорлар билан бир қаторда сабзавоткорлар, соҳибкорлар, боғбонлар ҳам ана шу талаб, ана шу вазнятни ҳисобга олган ҳолда иш юритишлари лозим. Мартнинг бошларида тушган совуқ эртаги сабзаватларнинг бир қисмига зиён келтирди. Бу зиённинг ўрнини қоплаш чораларини излайлик. Қишнинг қаттиқ совуғи туфайли боғ ва токзорлар ҳам бирмунча зарар кўрди. Шунинг учун ҳам парвариш ишларини юксак ва сифатли ташкил этиб, бир тупдан икки тупнинг ҳосилини олиш учун курашайлик. Сийракланиб қолган боғ ва токзорларни серҳосил кўчатлар билан тўлдириш зарур. Йўл чеккалари, ҳнёбонларнинг атрофига кўпроқ мевали дарахт кўчатларини экинг.

Баҳор ўзининг кўркини, ҳусни-жамолини, бутун борлиғини намойиш этмоқда. Қир-адрлар яшил либосга бурканди. Дарахтлар бўртиб қийғос гуллаш арафасида турибди. Ҳаммаёқда кўтаринки руҳ, кўтаринки кайфият. Кўкламни фидокорона ва қаҳрамонона меҳнатимиз билан кўркам қилайлик. Барча техника воситалари, ишчи кучларини экиш мавсумини муваффақиятли ўтказиб, мўл ҳосилга пухта замин яратишга сафарбар этайлик.

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

МЕҲНАТ ҲАҚИ ОШДИ

БЎКА районидаги К. Маркс номли колхозда ўтган йили тўртта бригада ва йигирма онла пудрат асосида ишлашга ўтган эди. Бу ўз самарасини берди. Колхоз бир йил ичида қолоқликдан чиқиб, илғорлар қаторидан ўрин олди. Давлатга салкам 4 минг тонна қимматбаҳо хом ашё топширилди. Плондаги 1071 тонна ўрнига 1179 тонна тола олинди. Шунга кўра хўжалик 135 минг сўмлик ортиқча даромад қилди. Пахтачиликдан олинган ялпи даромад 2 миллнон 400 минг сўмни ташкил этди. Пудрат усулида ишлаган бригадаларда бир иш кунига 8—9 сўмдан меҳнат ҳақи тўғри келди. Изнулла Мавлудов онласи 12 минг сўм, Шуҳрат Ҳамидов онласи эса йил давомида 10 минг сўмдан даромад олди.

Бу йил колхоз бўйича 10 та пахтачилик бригадаси ва 50 онла пудрат асосида ишлашга аҳд қилди. Улар КПСС XXVII съезди шарафига давлатга 4 минг тонна пахта етказиб бериш йўлида самарали меҳнат қилишмоқда. Ҳозирги кунларда пахта майдонларини экишга тайёрлаш ишлари авж олдириб юборилган. Нисбатан кам ҳосилли ҳисобланган 400 гектар майдоннинг ҳар гектарига 30—35 тоннадан чиритилган маҳаллий ўғит солинмоқда. Экиш мавсуми бошланиши биланоқ сифатли ремонт қилинган 12 та ҳайдовч, 22 та чопиқ, 16 та транспорт тракторлари, 180 комплект сихмола, 15 та ер текислагич, 15 та мола ва бошқа техника воситалари далаларга тўлиқ олиб чиқилади.

Хўжалик деҳқонлари бу йил 760 гектар майдонга «Тошкент-2», 400 гектар майдонга С-48—80 навли чигит экишни мўлжаллаб турибдилар. Ҳозиргача уруғлик ташиб келтирилиб, экиш учун тайёрлаб қўйилди.

П. ЭРГАШЕВ.

ШАКЛ БЕРИБ БЎЛИНДИ

ПАРКЕНТ районн хўжаликларида мевазорларга ишлов бериш қизғин бошланиб кетди. Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган район соҳибкорлари бу йил ҳар қачонгидан кўп мева етиштиришга сўз беришган. Бу борада «Паркент» совхоззаводи меҳнаткашлари хўжаликлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилаётир. Улар районда биринчи бўлиб боғ ва токзорларга шакл беришни ниҳоясига етказдилар.

Бу совхоз боғбонлари қиш давридаи ҳам боғларга ишлов беришни тўхтатишмади. Кунлар илиши билан дарахтларни буташ, шакл бериш бошлаб юборилди. 110 гектар ҳосилли ва 127 гектар майдондаги ёш мевазорлар қисқа муддатда ишловдан чиқарилди. Хўжаликнинг Қўчқор Аппонов, Бурхон Икромов, Ажбар Сайдазов, Эргаш Иброҳимов, Асатулла Эшонқулов сингари тажрибали соҳибкорлари бу борада барчага ибрат бўлишди.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида совхоз боғбонлари шаҳарликлар дастурхонига 1260 тонна сархил мева етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишган.

М. МИРКАМОЛОВ.



ТОШКЕНТ районидаги Карл Маркс номли колхознинг А. Ўрозов бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари эртаги сабзавот етиштиришга катта эътибор бермоқдалар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида 11 гектар ерга экилган карамнинг ҳар гектаридан 300 центнердан ҳосил олиш мажбуриятини қабул қилишган. Айни кунларда бригадада эртаги сабзавот кўчатларини парвариш қилиш қизғин боряпти. Бунда тажрибали деҳқон Нурмат Ҳикматов барчага ибрат бўляпти. Суратларда: уста сабзавоткор Нурмат Ҳикматов; эртаги карам етиштирилаётган далалар.

А. Абадян фотолари.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЮКСАК САМАРАЛИ БЎЛСИН

25 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик умумий йиғилиши бўлди. Республика Фанлар академиясининг ўтган йилги иши якунланди, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида илмий тадқиқотлар ва лойиҳа ишларини ривожлантириш йўллари белгиланди.

Республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планига мувофиқ Фанлар академиясида фундаментал фанларнинг 47 йўналиши юзасидан тадқиқотлар ўтказилди. 35 та энг муҳим илмий-техника лойиҳаси бажарилди. Хўжалик шартномаси асосидаги ишларнинг салмоғи ошди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида 230 тадан кўпроқ лойиҳа жорий этилди ва ўтган йилларда тайёрлаб берилган 336 та лойиҳадан фойдаланиш давом эттирилди, шу туфайли жами 691 миллион сўм иқтисодий наф кўрилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси П. Қ Ҳабибуллаевнинг докладида, нутқларда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленумида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқида олимлар олдига катта вазифалар қўйилганлиги айтилди. Энг муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотларни ишлаб чиқиш соҳасида зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, қисқа муддатларда энг олдинги илмий-техника позицияларига, меҳнат унумдорлигининг дунёдаги олий поғонасига чиқиб олиш лозимлиги айтиб ўтилди. Ҳисоблаш техникаси ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари, амалий математика ва ядро физикаси, радиохимия ва электроника соҳасидаги ҳамда бошқа энг муҳим йўналишлардаги тадқиқотларни чуқурлаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Энергиянинг янги манбаларидан, шу жумладан, қуёш, шамол ва атом энергиясидан фойдаланишнинг оқилона йўлларини қидириб топиш ишини кучайтириш, энергияни тежайдиган ва чиқитсиз технологияларни активроқ ишлаб чиқиш, фойдали қазилма конларини қидиришни жадал давом эттириш зарур.

Қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама интенсивлаш, агросаноат комплексини такомиллаштириш — ривожланган социализмнинг энг муҳим иқтисодий ва социал проблемаларидан биридир. 1984 йилда пахтачилик, чорвачилик самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни ва инсон соғлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар давом эттирилди. Республика пахтазорларининг ярмидан кўпроғига академия олимлари етиштирган пахта навларининг чигити экилди. Пахтанинг 9 та янги истиқболли нави синаб кўрилди. Бир қанча пестицидлар ва дефолиантларни синтез қилишнинг технология жараёнларини синаш ва тадқиқ қилиш давом эттирилди. Зарарсизроқ янги гербицидларнинг таъсир самарадорлиги ўрганилди. Улардан энг истиқболлилари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда.

Тупроқ самарадорлигини оширишга, шунингдек ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга ва уларнинг шўрини кетказишга оид тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш биринчи галдаги вазифадир. Жумладан, селга чидамли ёввойи ўсимликлар ни етиштириш соҳасидаги ишларни давом эттириш зарур.

Фанлар академиясининг олимлари суғориладиган деҳқончиликнинг янги системасини таклиф қилдилар. Бу система суғориладиган ерлардан жадал фойдаланишни таъминлайди, емхашак етиштиришни 50 процент, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 5-6 центнер қўпайтиришни таъминлайди, айни вақтда меҳнат ва пул маблағлари сарфини камайтиради. Нотиқлар ер ва сув ресурсларини бактериялар ва химиявий моддалар билан булғанишдан, зовур ва коллектор сувлари билан минераллашишдан муҳофаза қилиш проблемаларига алоҳида эътибор беришди. Азотли ва фосфорли ўғитларнинг янги типларини яратиш, юксак заҳарли пестицидларни кам заҳарли пестицидлар билан алмаштириш вазифаси турибди.

Мажлисда Озиқ-овқат программасининг топшириқларини бажаришга олимлар қўшаётган ҳисса етарли эмаслиги таъкидланди. Дончилик, сабзавотчилик, боғдорчиликни интенсивлаш қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига, айниқса, вилтга, илдиз чириш касаллигига қарши курашишнинг самарали воситаларини яратиш соҳасидаги куч-ғайратларни кўпайтириш, чорвачиликни янада ривожлантириш ишини кучайтириш зарур.

Ҳозирги шароитларда ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларнинг аҳамияти беқиёс ошмоқда. 1984 йилда жамиятшунослик профилидаги институтларнинг олимлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми ва кейинги Пленумлари қарорларини бажара бориб, меҳнаткашларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантириш ва социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган энг катта проблемаларга оид тадқиқотлар олиб боришди.

Аммо қилинаётган ишларнинг савияси ривожланган социализм жамиятини такомиллаштириш жараёнида партия ҳал этаётган катта вазифалар миқёсларига ва мураккаблигига мувофиқ эмас. Ривожланган социализм назарияси соҳасида чуқур тадқиқотлар йўқ. Логика, психологияга оид илмий ишлар эндигина ривожлантирилмоқда. Институтларнинг илмий-тадқиқот ишлари планларида ёшларга оид муаммолар акс эттирилмаган.

Кадрларнинг ижодий активлигини ошириш, илмий ходимлар тайёрлаш сифатини такомиллаштиришга, бу муҳим ишда партия ташкилотларининг доимий иштирок этишига кўпроқ эътибор бериш зарурлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академикларидан Г. А. Пугаченкова, М. С. Саидов республика Фанлар академиясининг президиумига аъзо қилиб сайландилар.

Олимлар илмий ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштириш учун куч-ғайратни аямасликка, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга ваъда бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев республика олимлари ҳузурида нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. А. Ахмедов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОНГА

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР УЧУН

«Средазэлектроаппарат» тармоқлараро бирлашмасининг тамғаси қўйилган шчитли тақсимловчи қурилмалар Болгарияга жўнатилди. Буюртма Козлодуй шаҳридаги атом электростанцияси қурувчиларининг илтимосига биноан муддатидан илгари бажарилди. Бундай ускуналар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий интеграция комплекс программаси доирасида етказиб берилмоқда. СССРнинг техникавий кўмагида Болгарияда бунёд этилаётган атом электр станцияси учун тошкентликлар жами 1200 та электр шчит тайёрлаб бердилар.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси кўпгина социалистик мамлакатларнинг электр станциялари учун ускуналар тайёрлаб беради. Масалан, Гаванадаги иссиқлик электрцентралида Ўзбекистондан юборилган шчитли тақсимлагичлар ва выключателлар ишлаб турибди.

СЎНГГИ СОАТДА

● ПНОМПЕНЬ. Кампучиянинг Прейвенг вилоятида янги ирригация системаси фойдаланишга топширилди. Шу туфайли бу ерда қурғоқчилик мавсумида суғориладиган майдонлар ёнига яна салкам 2 минг гектар экинзор қўшилди. Бу эса республиканинг ана шу районида шоли етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради. Бу муҳим қишлоқ хўжалик объекти — бугунги кунда мамлакатнинг кўпгина вилоятларида қурилаётган бир қанча шундай иншоотлардан биридир.

● РИМ. Сицилиянинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари тинчлик ва қуролсизланиш учун курашга даъват этдилар. Улар бу ерда тарқатган баёнотида Американинг дастлабки зарба уришга мўлжалланган янги ракеталари ҳозирнинг ўзида жойлаштирилган Италиянинг бу ороли демократик жамоатчилик тинчликсевар тадбирларининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқиши зарурлиги таъкидланади. Ҳужжатни Италия парламентининг депутатлари, Италия меҳнаткашлари, христианлар уюшмасининг раҳбарлари, ёшлари ва хотин-қизлари ташкилотларининг активлари имзолади.

● КОБУЛ. АДРда ўтказилаётган ер-сув ислоҳоти афғон деҳқонларининг ер тўғрисидаги асрий орзусини амалга оширди. Илгари ерсиз ва кам ерли бўлган деҳқонларнинг 312 мингдан кўпроқ оиласи ер билан таъминланди, 682 минг гектардан ортиқ экинзор қайта тақсимланди.

Афғонистон халқ демократик партияси ва ҳукумати ислоҳот жараёнини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш учун, шунингдек уни амалга оширишга деҳқонларнинг ўзини энг кўп даражада жалб этиш учун катта куч-ғайрат сарфламоқда. Республикада 400 дан кўпроқ деҳқон қишлоқ советлари бўлиб, улар жойларда ер ва сувни тақсимлаш билан боғлиқ конкрет масалаларни ҳал этмоқдалар. Давлат деҳқонларга пул, ўғит ва уруғлик фонди билан ёрдам бермоқда. (ТАСС).



◆ Шавкат Қосимов кўп йиллик тажрибага эга бўлган шифокорлардан. У 1973 йилдан бери Оққўрғон район марказий касалхонасида ишлаб келаётир. Хирургия бўлимини бошқариш билан бирга кўпгина жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. Шуннинг учун у Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган.

Ж. Тўраев фотоси.

ПАРТКОМ ТАВСИЯСИ БИЛАН

Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз далачилик бригадалари, ферма ва устахоналарида 7 та цех партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Уларга бирлашган коммунистлар партия XXVI съезди қарорларини амалга оширишда, коллективнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ўстиришда зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Колхоз партия комитети секретари Тўхли Жўраев жамоатчи мухбиримиз Абдурашид Раҳимбердиевга коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги роли, улар ҳиссаси билан қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

Тўлқин Тешабоев комсомолда чиниққан йигитлардан бири. У ўрта мактабни тамомлаб, далачилик бригадасига ишга келган эди. Деҳқонлар даврасида яна ҳам чиниқди, одамлар билан ишлашни ўрганди. Меҳнатсеварлиги, жамоат ишларидаги активлиги учун ҳам коммунистлар уни партия сафига тавсия этишди.

Ёш коммунист масъулиятни яна ҳам чуқурроқ ҳис эта бошлади. Цех партия ташкилоти унга агротехника қоидаларига қандай амал қилинаётганлигини кузатиб бориш вазифасини топширди. Партиявий топшириқни ёш коммунист жон-дили билан бажарди. Топшириқ деҳқончилик сирларини яна ҳам пухта эгаллашда унга ёрдам берди.

Ҳозир Рустам Тешабоев бригада раҳбари. Ўтган йили ёш коммунист бошлиқ коллектив пландаги 806 тонна ўрнига 956 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирди. Социалистик мажбуриятлар зиёдаси билан бажарилди. Бу йил улар кам деганда 1000 тонна маҳсулот етиштиришга сўз берганлар.

Бошқа бригадаларга раҳбарлик қилаётган коммунистлар ҳам топширилган иш учун масъулиятни чуқур ҳис этмоқдалар. Коммунист Рустам Қуронов 3 йилдир ғаллачилик бригадасига раҳбарлик қилиб келяпти. Биринчи йили гектар бошига 22 центнердан ғалла йиғиштириб олинди. Ўтган йили ҳам план 145 процент адо этилди. Кеч кузда улар яна 210 гектар ерга уруғлик сепишди. Ҳозир ғаллазорлар яшил тусга кирган. Бу йил ҳам рекорд ҳосил олиниши кутилмоқда.

Ўз ишига фидокор коммунистлар ҳақида қанча гапирсанг шунча оз. Коммунист Аслон Умаров картошкачиликни ривожлантиришда, Миргофир Замидов чорвачилик фермасини механизациялашда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар партком тавсияси билан шу участкаларга ишга юборилган эди. Аслон Умаров бошлиқ коллектив ўтган йили гектар бошига 200 центнердан картошка ҳосили олиб, энг юқори кўрсаткичга эришди. Миргофир Замидовнинг ташаббуси билан эса фермадаги кўлгина ишлар механизмлар елкасига юклатилган. Пировардида чорвадорларнинг иш унумдорлиги ошди, парвариш сифати яхшиланди. Ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан ўртача 3 минг килограммдан сут соғиб олинди. Гўштга топширилган қорамолларнинг тирик вазни эса 400 килограммни ташкил этди.

Коммунистларимиз КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва 1984 йил октябрь Пленумлари қарорлари асосида гектарлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Сўнгги икки йил мобайнида янгидан 50 гектар ер очилди. Насос станциялари ёрдамида экинларни суғориш яхшиланди. Сув сероб бўлгач, ҳосилга барака кирди. Сабзавот, картошка, ғалла сотиш планлари йил сайин ортиғи билан адо этиб келинмоқда.

Айни пайтда биз илғор коммунистлар тажрибасини барча участкаларда кенг тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Пропагандистлардан Н. Холдорова, И. Туропов, С. Хусаинов ва бошқалар сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим системасида ўтаётган машғулотларда кўпроқ мана шу тажрибалар моҳиятини очиб бермоқдалар. Тингловчиларни партиямизнинг бўлажак XXVII съездини муносиб кутиб олишга, беш йилликни муваффақиятли якунлашга даъват этмоқдалар.

ЗАВОД ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида маҳсулотнинг юксак сифати учун моддий рағбатлантиришнинг самарали методи ишлаб чиқилди. Бу ерда иш сифати машинасозларнинг меҳнатда иштирок этиш коэффициентини белгилашдаги асосий омил бўлиб қолди. «Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси асосида маҳсулот сифатини янада ошириш» мавзуида яқинда Тошкентда бўлиб ўтган семинар—кенгашда «Ташсельмаш» заводининг тажрибаси синчиклаб ўрганилди. Семинар-кенгашда Ўзбекистон партия ва совет ходимлари, идоралар ва саноат корхоналарининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинарда технология интизомига риоя этиш устидан оператив назорат ўрнатиш, брак маҳсулот ишлаб чиқариш сабабларини ва айбдорларини, тақрорланаётган носозликларни аниқлаш учун электрон-ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди. Бу эса «Ташсельмаш» ишчиларига моддий омиллардан самарали фойдаланишга: брак маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни ўз вақтида жазолаш ва ҳалол ишлаётган кишиларни рағбатлантириш, уларни юксак сифат учун ойлик маошнинг 30 процентигача миқдорда пул мукофоти билан тақдирлашга имкон бермоқда. Натижада корхона конвейеридан чиқаётган машиналарнинг қарийб ярмига Сифат белгиси қўйилмоқда.

Семинарда «Ташсельмаш» заводининг иш тажрибаси ва бу тажрибани Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида кенг оммалаштиришга оид тавсиялар маъқулланди.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОР УСУЛЛАР ҲИСОБИГА

АНГРЕН керамика комбинати ишчилари ўтган йили қувончли натижаларга эришиб, социалистик мажбуриятларининг ошириб бажарилишини таъминладилар. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларидаги муваффақиятлар уларни айни кунларда янги меҳнат ғалабалари сари руҳлантирмоқда. Кулолчилар бу йил ҳам юксак марраларни эгаллашмоқчи. Улар ваъдаининг устидан чиқиш учун қандай ишларни амалга оширишяпти? Мухбиримиз Р. Аҳмадалиев комбинат партия ташкилоти секретари С. ҲОЖИХОНОВ билан шу ҳақда суҳбат қилди.

— ЯНГИЛИККА интилиш, изланиш комбинатимиз коллективига хос бўлган ажойиб хислатларнинг биридир. Буни кейинги йилларда, айниқса, яққол ҳис қиляпмиз. Бир зум бўлса-да, бўшаштирмай олиб борилаётган ижодий изланишлар туфайли имкониятларимиз кўламини кенгайтиришга муваффақ бўляпмиз. Шу туфайли ҳам кейинги уч йил мобайнида областимиз саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақанинг квартал якунлари бўйича кўпинча совринли ўринларни эгаллаб келяпмиз. Ўтган 1984 йилда ҳам бу борада қувончли натижаларга эришдик. Ишимизни ҳар жиҳатдан пухта ташкил этганлигимиз туфайли учинчи ва тўртинчи квартал якунларига кўра мусобақада ғолибликни қўлга киритдик. Натижада коллективимиз область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида бу ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш учун зарбдорчасига меҳнат қиляпмиз. Йилнинг дастлабки кунлариданоқ ўзаро мусобақани қизғин авж олдирганлигимиз ишимизнинг ҳар томонлама унумли бўлишида қўл келяпти. Мусобақада комбинатимиз ишчи-хизматчиларининг деярли барчаси актив иштирок этишяпти. Унга ҳар ойда якун ясаб, илғорларни ҳар томонлама рағбатлантириб боряпмиз. Бундан кўзланган мақсад — ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, электр энергияси ва мавжуд материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишдир.

Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цех ишчилари шу муҳим вазифаларни амалга оширишда фидокорлик намуналарини кўрсатишяпти. Улар ўтган йили комбинатимиз бўлинмалари ўртасида ўтказилган мусобақада пешқадамликни эгаллашган эди. Эндиликда эса бу муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Ойлик топшириқларни 8—10 процент ошириб бажаришмоқда. Қувур, сантехкерамика ва кошинкорлик буюмлари тайёрловчи цехларнинг ишчилари ҳам улардан орқада қолишмаяпти. Умуман, комбинатимиздаги бундай пешқадам бўлинмалар меҳнатчиларининг самарали ишлари эвазига истеъмолчиларга салкам 700 минг сўмликка яқин қўшимча кенг истеъмол буюмлари етказиб бердик. Бу йил ҳам ана шундай кўрсаткичларга эришишни режалаштирганмиз.

Бироқ, бу осонликча қўлга киритилмайди. Аввало, реконструкция ишлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишимиз керак. Чунки, замонавий асбоб-ускуналар билан қуроллантирилиши лозим бўлган участкаларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни ремонт қилиб, янги дастгоҳлар ўрнатиш учун 100 минг сўмликка яқин маблағ сарфланади. Шундан кейин ишимизнинг унуми ҳам, сифати ҳам белгиланганидан анча юқори бўлади.

Кейинги йилларда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини ишлаб чиқаришга жорий этишга катта эътибор билан қараяпмиз. Уч йил ичида бундай бригаданинг салкам элликтага етказилганлигининг боиси ҳам шунда. Улар корхонамиздаги мавжуд коллективларнинг деярли тенг ярмини ташкил этади. Бундай бригадалар сафини бу йил ҳам кенгайтирамиз. Ками билан яна 10 коллектив шу истиқболли усул асосида маҳсулот тайёрлай бошлайди.

Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш ва ками билан икки кун тежалган хомашё ҳисобига меҳнат қилиш комбинатимиз ишчиларининг шу кундаги меҳнат шиорига айланган. Биз албатта бу вазифаларни муваффақиятли бажарамиз. Шу билан биргаликда иш сифати қўшимча 0,2 процентга яхшиланади. Йил давомида ўнга яқин янги турдаги маҳсулот ўзлаштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилади. Бу бизнинг КПССнинг XXVII съезди, буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллик байрамига муносиб совғамиз бўлади.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚАНДАЙ БАЖАРМОҚЧИСИЗ?

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НИНГ СИРТҚИ АТЕИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ

АТЕИСТИК ТАРБИЯ:

ИШОНТИРИШ, ТАЪСИРЧАНЛИК ВА ИЗЧИЛЛИК

Бугунги машғулотни Тошкент район партия комитетининг секретари Ҳалима САЙДАЛИЕВА олиб боради

Меҳнат коллективларида ва аҳоли турар-жойларида олиб борилаётган атеистик тарбия ишлари ҳақида гап кетганда кўпроқ ўтказилган тадбирлар, ўқилган лекцияларни санаш билан чекланилади. Бироқ бу тушунтириш ва тарғибот ишлари қандай натижа бермоқда? Афсуски, ана шу энг муҳим масала баъзан чуқур ўрганилмайди.

Районимизда КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида бутун идеологик ишни, шу жумладан атеистик тарбияни тубдан яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқар эканмиз масаланинг шу томонига алоҳида аҳамият бердик. Энг аввало Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти, республика илмий атеизм уйининг Тошкент область филиали билан ҳамкорликда аҳолининг атеизмга ва динга муносабатини ўрганиш мақсадида Келес шаҳри, Киров ва Ҳасанбой қишлоқ Советларида социологик тадқиқот ўтказдик. Ўнинг натижалари аҳоли аксарият қисмида илмий материалистик қарашлар қарор топганлигини яққол кўрсатди. Бу социалистик воқелигимизнинг ёрқин кўринишларидан биридир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин мамлакатимизда, шу жумладан ҳали феодал муносабатлар сақланиб қолган Ўрта Осиёда ҳам юз берган буюк ўзгаришлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг тез суръатлар билан ривожланишини, мисли кўрилмаган ижтимоий ва сиёсий юксалишни таъминлаганини қолмасдан халқнинг маънавий ҳаётини қайтадан қурди, янги инсонни дунёга келтирди. Бу инсон ўтмиш қолдиқларидан халос бўлиб бормоқда. У материалистик дунёқарашга, чуқур ғоявий эътиқодга эгадир.

Биз тарқатган социологик тадқиқот анкеталари саволларига жавоб берган, аҳолининг турли табақаларига мансуб бўлган кишиларнинг ғоят кўпчилиги ҳам диний ақидаларга ишонмасликларини, илмий материалистик позицияларда туришларини айтганлар. Шу билан бир қаторда улар диний қарашлар жамиятимизга зид эканлигини ва хурофотга қарши муросасиз кураш олиб бориш зарурлигини таъкидлашган.

Лекин анкеталарга олинган жавобларнинг бир қисми — бу жуда озчиликни ташкил этса ҳам—ҳали атеистик тарбия ишида жиддий камчиликларимиз мавжудлигини кўрсатди. Бу, асосан, суҳбат ўтказишда кишиларнинг ёши, билим савиясини ҳисобга олмаслик, яккама-якка тушунтириш олиб боришга эътиборсизлик, атеистик пропагандада бир қолипчилик оқибатларидир.

Социологик тадқиқот натижаларини район партия комитетининг бюросида муҳокама этдик ва атеистик пропаганданишт ҳужумкорлиги, таъсирчанлигини янада оширишга қаратилган конкрет тадбирларни белгладик.

Партия ташкилотларимиз атеистик тарбияга комплекс ёндошадиган, уни коммунистик тарбиянинг ғоят муҳим таркибий қисми, деб ҳисоблайдиган бўлиб қолдилар. Бу масалалар мунтазам равишда бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиб борилаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Район партия комитети ҳам атеистик тарбия таъсирчанлигини ошириш масалалари билан конкрет шуғулланмоқда. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг атеистик тарбиясини янада яхшилаш масаласи район партия активининг йиғилишида муҳокама қилинди. Атеистик тарбия масалалари сўнгги йилларда район партия комитетининг бюросида бир неча бор кўриб чиқилди.

В. И. Ленин илмий дунёқараш инсоният томонидан вужудга келтирилган барча ўртасида ҳам кенг тарғиб қилиш мақсадида умумтаълим мактабларида университетнинг тўртта филиали ташкил этилган.

Партия ташкилотлари кишиларнинг коммунистик қурилишда актив иштирок этишларини таъминлаш диний хурофотларга қарши курашда ҳал қилувчи омил эканлигини яхши биладилар. Шунинг учун саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, хўжаликларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кенг авж олдириляпти. Ҳозирги пайтда бу ҳаракатда 2000 дан кўпроқ ишчи ва колхозчимиз фаол қатнашмоқда. Корхоналар, хўжаликлар ва муассасаларда, қишлоқ ва посёлкаларда районимизнинг дондгор кишилари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исоқова, КПСС XXVI съезди делегати В. Мусаева, меҳнат ва уруш ветеранлари З. Мирзаев, И. Исмоилова, Х. Расулов ва бошқалар билан ўтказилаётган учрашувлар коммунистик дунёқарашни шакллантиришда катта тарбиявий роль ўйнаяпти. Чунки бу тадбирлар ҳақиқий инсоний бахтга диний расм-русумларга риоя қилиш орқали эмас, балки эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиш туфайли эришилишини равшан кўрсатади.

Партия ташкилотлари ва идеология активлари атеистик тарбияни кишиларнинг ёши, касб-кори, билим савиясини ҳисобга олган ҳолда олиб боряптилар. Жумладан, меҳнаткашлар ўртасида лекциялар ўқиш, суҳбатлар ўтказиш билан бир қаторда атеистик мавзуларда савол-жавоб кечалари ҳам уюштириляпти. Бу кечаларга олдиндан тайёргарлик кўрилади, меҳнаткашларни қизиқтирган масалада бўйича саволлар тўпланади. Кеча ўтказиладиган йиғилиш методик совет тавсиялари асосида атеистик пропаганда форма ва методлари такомиллаштириб бориляпти

ҚИШЛОҚДА КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

МАСЪУЛИЯТ, МАНФААТ, УНУМ

ТАЖРИБАЛАР шуни кўрсатмоқдаки, меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули — ер, сув ва бошқа моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириб, алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш, энг муҳими пировард натижаларнинг салмоқли бўлишини таъминлайди. Бу жиҳатдан Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Наримон Камолов бошчилик қилаётган 13-бригадасида олиб борилаётган ишлар ғоятда диққатга сазовордир.

Газетамизнинг шу йил 19 февраль сонида босилган «Қишлоқда коллектив пудрати» сарлавҳали мақолада мазкур бригаданинг тажрибаси батафсил ёритилган эди. Бу тажриба кўпчилик қишлоқ деҳқонларида катта қизиқиш уйғотди. Янги усулда ишлашга аҳд қилган коллективлар сафи кўпайиб бормоқда.

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозда кейинги йилларда бу соҳада бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва яхши натижаларга эришилди. 1984 йилда хўжалик пахтакорлари 1611 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,5 центнердан, жами 5881 тоннадан знёд «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Бу ҳосилнинг 60 процентдан ортиғи юқори сортларга сотилди. Пахтачиликнинг ўзидан 3 миллион 620 минг сўмга яқин даромад қилинди. Бунинг 1 миллион 134,5 минг сўми соф фойдадир. Колхоз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида меҳнатни ташкил этишнинг бу илғор усулини янада такомиллаштириш ва шу асосда ялпи пахта хирмонини 6 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

Яқинда махсус мухбиримиз шу колхозда бўлиб, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, бригада бошлиқлари билан пудрат усулини қишлоқ хўжалигига жорий этишнинг формалари, муаммолари ҳақида суҳбатлашди.

ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

А. МИРАҲМЕДОВ,
колхоз раисининг ўринбосари

◆ КОЛХОЗИМИЗДА ҳар йили уч-тўртта бригада пудрат асосида ишлаб юқори натижаларга эришмоқда. 1984 йилда Мустақим Мирсоатов бошчилик қилаётган 7-бригада шу усулда меҳнат қилиб бошқа коллективларга нисбатан гектаридан 4—5 центнер кўп пахта олди. Лекин имконият ва резервлардан тўлиқ фойдаланилганда бундан ҳам яхши кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Аввало пудратчи коллективлар ихтиёрий асосда ташкил этилиши ва ишлаб чиқариш жараёнида уларга тўла мустақиллик берилиши керак. Бу — пудрат усулининг бош принципидир. Иккинчидан, пудратчи бригада билан колхоз правлениеси томонидан тузилган шартномага ҳар икки томон қатъий амал қилиши лозим. Афсуски, биз ана шу шартномаларни баъзан мажбуран, баъзан тўғридан-тўғри бузаяпмиз. Бунга мисоллар келтираман:

1984 йилда пудрат усулида меҳнат қилган бригадаларимиз ўзларига ажратилган ер, сув, техника, ишчи кучи, ўғитлардан самарали фойдаландилар. Далаларда мўл ҳосил етиштиришди. Йиғим-терим даврида эса колхозимизга ҳашарчилар юборилди. Биз уларни ҳамма бригадаларга баравар тақсимладик. Шундай қилмасак ёрдамчиларни иш билан тўла таъминлай олмасдик. Натижада бригадалар билан тузилган шартноманинг асосий банди бузилди. Бундан колхозчилар ҳақли равишда ранжидилар. Чунки етиштирилган ҳосилни ўз кучимиз, техникамиз ёрдамида тўла йиғиб-териб олиш имконияти мавжуд эди. Эҳтимол биз ана шу имкониятлар нималардан иборат эканлигини олдиндан пухта ҳисоб-китоб қилиб, таклиф, мулоҳазаларимизни айтиб, қатъий турганимизда эди мутасадди ташкилотлар ҳашарчиларни бизга мажбуран юборишмасди.

Биз бу йил ўтган йили йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар белгиладик. Маъмурият билан пудратчилар ўртасида ихтилофларнинг юзага келмаслиги учун шарт-шароитларни коллектив аъзоларининг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда белгиладик. Агарда шартномаларга доир бирон жиддий ўзгаришлар бўладиган бўлса, бу ҳақда, албатта, бригада бошлиқлари ва аъзолари билан келишилади, уларнинг розилиги олинади.

Колхоз правлениеси билан бригадалар ўртасида тузилган шартномада маҳсулот етиштириш ҳажми, сифати, экинни парвариш қилиш, йиғиштириб олиш муддатлари, иш ҳақи фонди белгиланади. Колхоз маъмурияти ана шу шартнома асосида бригадага эҳтиёт қисмлар, транспорт воситалари, уруғлик, ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб беради. Колхозчига тўлаб бориладиган аванс пули суммаси, пировард маҳсулот учун ҳақ, умумий йиллик даромад ҳисобидан бригадага бериладиган улуш аниқ кўрсатилади. Шартнома мажбуриятларининг бажарилиши жараёнида томонларнинг ўзаро муносабатлари ҳам назорат қилинади, ҳам тартибга солинади.

Бу йил колхозимизда 7-бригада билан бирга Усмонали Умаралиев етакчилигидаги қурилиш бригадаси коллективи ҳам пудрат усулида меҳнат қилиш ташаббуси билан чиқди. Бу бригада қурилиш ишларини амалга ошириштан ташқари 60 гектар ерда пахта ҳам етиштиради. Кейинги бир-икки йил ичида хўжалигимиздаги мавжуд 15 та пахтачилик бригадасида дала ишлари ишлаб чиқаришнинг прогрессив усули асосида ташкил этилади.

ҲИСОБ-КИТОБ ТЎҒРИ ЮРИТИЛСА...

А. ҲОЗИҚОВ,
колхоз бош ҳисобчиси

◆ ҲАР БИР ишнинг муваффақияти ҳисоб-китобда. Ишлаб чиқаришнинг пудрат усулида меҳнат қилаётган бригада учун бу, айниқса, катта аҳамиятга эга. Мен 1984 йилда 7-бригадага вакил қилиб биркитилган эдим. Табиийки, деҳқонларнинг фаолияти билан танишар эканман, кўпроқ ҳисоб-китоб ишлари билан қизиқдим. Бундай қараганда ҳаммаси жойидага ўхшаб кўринди; махсус дафтарда коллектив ҳар бир аъзосининг ишга чиққанлиги, чигит экишдан тортиб пахта йиғим-теримигача бўлган даврда бирдек меҳнат қилганлиги қайд этилган. Хўш, аслида-чи? Тўғри, бригада аъзоларининг ҳаммаси тўлиқ ишга чиққан бўлиши мумкин. Лекин уларнинг меҳнат унуми бир хил бўлмаган-ку! Чунки, ҳар ким қобилиятига, кучига қараб ишлайди-да. Масалан, бир киши кунига 4 арикдаги ғўзани чопиқ қилса, иккинчиси 5 ариқ чопади. Лекин йил охирида иш ҳақини бир хил олади. Бу бригадада меҳнат унумдорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатиши табиий. Ахир кўп иш қилган одам шунга яраша иш ҳақи ҳам олиши керакда. Демак, пудрат усулида меҳнат қилаётган коллектив аъзолари ишини тартибга солиш, назорат қилишнинг янги формасидан фойдаланиш зарур эди.

Шунинг учун ҳам 1985 йилда тузилган шартномага бироз ўзгартириш киритдик. Эндиликда пудратчи бригада аъзолари меҳнатига ҳар ойда якун чиқариб, бажарган ишларнинг сифати, ҳажмига қараб аванс бериб борилади. Яна шуниси ҳам муҳимки, белгиланган нормасини бажармаган колхозчининг иш ҳақидан чегириб қолинган пул илғор колхозчига мукофот тариқасида берилади. Бу тадбир айрим дангасаларнинг нафсониятига тегмасдан қолмайди, албатта. Ахир, унда ҳам ор бор, номус бор. Ўз-ўзидан у ҳам яхши ишлашга, нормани тўлиқ бажариб, иш ҳақини бекаму-кўст олишга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтганда коллектив пудрат асосида ишлайдиган бригадаларда оддий ҳисоб-китоб ишлари тўғри юритилиши ва пухта бўлиши шарт! Ана шунда интизом мустаҳкамланади, намунали тартиб ўрнатилади. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун жон куйдиради. Коллективда уюшқоқлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик вазияти вужудга келади.

ХАРАЖАТ ОЗ, МАҲСУЛОТ МЎЛ

Қ. МАМИРОВ,
колхоз иқтисодчиси.

◆ МАЪЛУМКИ, пудрат усулининг муҳим талабларидан бири сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига кўпроқ маҳсулот олиш учун курашишдир. Шунинг учун ҳам бундай коллектив аъзолари ажратилган маблағ ва моддий ресурслардан ғоятда тежамкорлик билан фойдаланиш учун ҳаракат қиладилар. Шунга яраша даромадни кўп оладилар. Пудрат усулида меҳнат қилаётган бригадаларда сарф-харажат камайиб, пахтанинг таннархи арзонлашиб бораётганлигининг боиси ҳам шунда. Яна 7-бригададан мисоллар келтирамиз.

Ўтган йили бу бригада деҳқонлари 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 40,5 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Давлатга топширилган 344 тонна пахтанинг 60 проценти фақат биринчи сортга сотилди. Бригада салкам 194 минг сўм даромад қилди. Йил охирида коллектив аъзолари асосий иш ҳақларининг ҳар сўмига 73 тийиндан қўшимча пул олдилар. Бошқа бригадаларда эса ҳосилдорлик 36—37 центнерни ташкил этди, иш ҳақининг ҳар сўмига 37 тийиндан қўшимча ҳақ берилди. Булардан кўриниб турибдики, 7-бригада эришган натижалар анча салмоқли. Лекин, бой берилган имкониятларни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳали кўп иш қилиш керак. Менимча, ишни бригада бошлиғининг меҳнатини тўғри ташкил этишдан бошлаш лозим. Бизнингча, бригадир бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган масалалар билан шуғуллансин. Яъни арзон-арзимас масалаларни ҳал қиламан, деб уёқ-буёққа, правленеига қатнаб вақтининг бир қисмини бекорга ўтказмасин. У кўпроқ деҳқонлар орасида бўлиши, уларнинг кайфияти билан қизиқиши, руҳини кўтариши, ер-сув ва бошқа моддий ресурслардан қандай фойдаланилаётганлигини таҳлил этиб бориши муҳимдир. Биров ишни сифатсиз бажардими, дарҳол сабабини суриштирсин, фикрини, мулоҳазасини билсин, талаби бўлса ўргансин. Шунга қараб чора-тадбир белгиласин. Бундан кўпчиликни огоҳ қилсин. Ана шунда одамларнинг ишга бўлган масъулияти ортади. Бир киши иккинчи кишининг иши устидан назорат қила бошлайди. Илғор колхозчи ёнидаги дангасага «оғайни бу аҳволда сен билан ишлай олмаймиз, сен фақатгина ўзингнигина эмас, бизнинг ҳам бола-чақамиз ризқининг қирқилишига зомин бўлаяпсан», деб танбеҳ беради. Шундай бўлгач, ерни экишга тайёрлашдан то ҳосил териб олингунгача бўлган барча агротехник тадбирлар ўз муддатида ва сифатли бажарилади.

Бош ҳисобчимиз айтганидек, ой охирида бажарилган ишнинг миқдори ва сифати махсус комиссия томонидан текширилиб қабул қилиб олингач, меҳнатга ҳақ тўлаш амалга оширилса янада яхши бўлади. Комиссия иш сифати талабга жавоб беради, деб ҳисобласа ҳақ тўлиқ берилсин. Борди-ю, иш сифатсиз деб топилса айбдорлар жазолансин. Улар ўша ишни қайтадан бажарсинлар.

Бригада аъзоларига ойлик иш ҳақларини беришни бажарилган ишнинг ҳажмига қараб, табақалаштириб олиб бориш мақсадга мувофиқ. Чунки, механизатор, сувчи, колхозчи иш айни қизиган кезларда кунлик нормасини бир ярим-икки ҳисса ошириб бажаради. Ана шундай пайтда улар авансда белгиланган 150 сўм ўрнига 170—180 сўм олсалар, иш унуми янада юқори бўлади.

МУСТАҚИЛ ҲАЛ ЭТАЙЛИК

М. МИРСОАТОВ,
7-бригада бошлиғи

◆ ПУДРАТ асосида меҳнат қилаётган бригаданинг муваффақияти коллектив етакчисининг ишбилармонлиги, тадбиркорлигига ҳам боғлиқдир.

Шу ўринда кўнглимга тугиб юрган баъзи фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Колхозимизда бригада пудрати усули қўлланилиб келинаётганига уч-тўрт йилдан ошган бўлса-да у ҳалигача ўзининг тугал формасини топа олгани йўқ. Боя Асомиддин ака жуда тўғри айтдилар. Айбнинг бир қисми ўзимизда. Ҳақиқатан ҳам бизда имкониятлар кўп. Агар бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўртача 3,5—4 минг килограммдан пахта терса, машинадан унумли фойдаланилса, етиштирилган ҳосилни бемалол ҳашарчиларсиз ўз кучимиз билан йиғиштириб оламиз. Ахир пудрат усулининг «ўзинг экдингми, ўзинг парвариш қил, ўзинг териб ол», деган талаби бор. Афсуски, бунга бизда тўла амал қилинмаяпти.

Ҳақиқатан ҳам пудрат усулида ишлаётган коллективни бошқараётган бригада бошлиғи айрим масалаларни кўпроқ мустақил равишда ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлса, дейманд. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, айни ғўза парвариши ёки йиғим-терим даврида бизга тўғримри, нотўғримри ундай қилинглар, бундай қилинглар деб кўрсатмалар беришади. Биз малакали мутахассисларнинг маслаҳатига муҳтожмиз. Лекин деҳқоннинг ўзига ҳам қўйиб бериш керак, унга ишониш керак. Ана шунда у мўлжалдаги ишларни бажара олади. Ернинг шароити, экиннинг талаби унга беш қўлдек маълум, қайси тадбирни қачон ўтказишни яхши билади.

Бўкалик ҳамкасбим Наримон Камолов бригадасида ташкил этилган советнинг иши ва фаолияти менга жуда маъқул бўлди. Бизда ўтган йили комиссия иш олиб борган эди. Лекин бу комиссия фақатгина ишнинг сифатини назорат қилиш билангина шуғулланди. Бу йил биз бўкаликлар тажрибасини қўлламоқчимиз.

Бригадамизнинг 22 аъзоси бор. Улар бир мақсад йўлида меҳнат қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилдик. Бу режамизни амалга ошириш учун мустаҳкам замин тайёрладик. Экин майдонлари куздаёқ сифатли шудгорланган. Ҳар гектар ерга 15—20 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Техникаларни мавсумга сифатли ҳозирладик. Уруғлик чигит келтирилди. Сув йўллари равон. Бир сўз билан айтганда экиш мавсумига тайёр бўлиб турибмиз.

КОИНОТ ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Биз «зангори экран» орқали «Ер, кишилар ва коинот» кўрсатувини мунтазам томоша қилиб борамиз. Бу кўрсатувлар бизнинг самовий билимлар, ҳодисаларга бўлган қизиқишимизни оширмоқда. Ўртоқларимиз билан суҳбатлар, баҳслар пайтида космосда узоқ учган фазогирлар ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашамиз. Лекин кўпинча бундай учишлардан асосий мақсад нима? Энг узоқ учган космонавтлар кимлар? деган саволларга етарлича жавоб тополмай қоламиз. Шу муносабат билан фазода узоқ учган космонавтлар, улар олиб борган ишлар ҳақида маълумот беришингизни истардик.

Ф. АЗИМОВ, Б. СОБИРЖОНОВ, Н. ЖЎРАЕВА, Б. АЛИЕВ, Тошкент районидаги Энгельс номли 27-ўрта мактаб ўқувчилари.

Мамлакатимизда космонавтика фан сифатида дадил равнақ топиши муносабати билан фазода узоқ учишлар муддати узайди. 1982 йил 13 май куни «Союз Т-5» космик кемасида парвоз қилган «Эльбруслар» — космонавт Анатолий Березовой ҳамда борт-инженер Валентин Лебедевларнинг, сафари 211 кун давом этди. Етти ой мобайнида улар муттасил ер билан алоқа қилиб турдилар. Белгиланган программа бўйича олимлар, мутахассисларнинг топшириқларини бажардилар. Шу вақт ичида битта халқаро экипаж ва ичида аёл бўлган яна бир экипаж ҳамда 4 та юк кемаси «Эльбруслар» қабулида бўлди. Космонавтлар узоқ учиш жараёнида 300 га яқин тажриба ўтказдилар. Бепоён Ватанимизнинг турли районларидан кўпгина жойлар суратга туширилди. Орадан ўн саккиз ой ўтгач, «Союз Т-11» космик кемасида учган — «Маяклар» — Леонид Кизим ва борт-инженер Владимир Соловьев ҳамда инженер-тадқиқотчи Олег Атьковлардан иборат экипаж фазода узоқ ишлаш бўйича «Эльбруслар»ни ҳам ортда қолдирди. Улар 237 суткалик парвоздан сўнг ерга бой илмий маълумотлар билан қайтишди.

Бу экипаж 34 ҳафта давомида СССР ҳамда ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар, шунингдек, Ҳиндистон ва Франциядаги 800 та илмий ҳамда ишлаб чиқариш ташкилотларининг бўюртмасига биноан тадқиқотлар ўтказди. Хусусан, геофизика, медицина, биология, астрофизика, биотехнология ва техника соҳаларида 500 та тажриба олиб борилди.

«Салют-7» орбитал станциясида бўлган 5700 соат давомида рўй берган кўплаб ҳодисалар ичида резерв двигателини Л. Кизим ва В. Соловьевлар ремонт қилишганини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир. Зеро, улар двигателни ремонт қилиш пайтида яна бир рекордга эришдилар — очиқ космосда 23 соат бўлдилар. Ҳали космонавтика тарихида ҳеч ким шунчалик кўп вақт очиқ космосда бўлмаган эди.

Самодаги уч мезбон Ердан юборилган кемаларни етти марта кутиб олишди. Беш марта «Прогресс» юк кемалари фазогирларга хилма-хил юклар, масалан, турли маҳсулотлар, кислород, сув, ҳаёт фаолиятини таъминловчи системаларнинг алмаштириладиган қисмларини олиб чиқди. Улар ёзда В. Жонибеков, И. Волк, С. Савицкаяларни, баҳорда эса Ю. Малишев, Г. Стрекалов ва биринчи ҳинд космонавти Ракеш Шармани ҳам қабул қилишди. Бу сафар чоғида очиқ космосга чиққан ва икки бор парвоз этган Светлана Савицкаянинг жасоратига жаҳон қойил қолди.

«Маяклар» 237 кунлик парвозининг 18 суткасидагина Л. Кизим, В. Соловьев ва О. Атьков Звёздний шаҳарчасидаги ҳамкасблари билан бирга ишлашди, қолган 219 кунда эса ёлғиз учовлон иш олиб боришди. «Маяклар» ҳузурига ташриф буюрган космонавтлар универсал қўл асбобини текшириб, орбитада илк бор металл қирқиш, эритиш, пайвандлаш ва кукунга айлантириш жараёнларини амалга оширишди.

Станция экспедициясининг биринчи кунидан охирги кунигача ҳамжиҳатлик, дўстона муносабат ҳукм сурди. Фазогирлар космосдан туриб чет эл элчилари билан телеэкран орқали учрашиш, ўз биродарлари, совет-ҳинд космик экипажи, шунингдек оила аъзолари билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдилар.

Орбитал станцияда ўтказилган медицина тадқиқотлари ҳам диққатга сазовор. Бутуниттифоқ кардиология илмий марказининг бош директори академик Е. И. Чазов таъбири билан айтганда «Салют-7» орбитал станцияси медицина техникасининг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган кардиология марказининг ўзига хос филиали вазифасини ўтади.

Станцияда шифокор Олег Атьков мавжуд медицина аппаратлари ёрдамида космонавтлар юрак-томир системасининг ва бошқа бир қанча аъзоларининг ҳолатини муфассал ўрганди. Чунончи «Чибис» вакуум костюми вужудга келтирадиган гидростатик босим таъсирига юрак-томир системаси қандай муносабатда бўлишини текширувдан ўтказди. Унинг иштирокида эхокардиограф аппарати ҳам ясалди. Бутуниттифоқ кардиология илмий марказида бундай аппаратнинг оғирлиги 50—60 килограмм бўлса, космик шароитда ясалган аппарат вазни 2,5 килограммни ташкил этди, ҳолос.

Қардош социалистик мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликда фазогирлар олиб борган «Гюнеш» ва «Қора денгиз» экспериментлари халқ хўжалиги айниқса қишлоқ хўжалиги мутахассислари учун бой маълумотлар берди.

Ҳозирги пайтда бутун мамлакатимизда 800 дан зиёд илмий, лойиҳалаш ва қидирув ташкилотлари космик материалардан инженерлик иншоотларини лойиҳалаштиришда, руда хом ашёлари, нефть ва газ конларини қидиришда, ўрмон фондини аниқлашда, ер тузиш ва карта яратиш каби бир қанча ишларда фойдаланмоқда.

Космик суратлар асосида Помирнинг бориш қийин бўлган районларини ўрганишга ҳам мўваффақ бўлинди. Тоғдаги емирилган жинслар ва қорларнинг жадал эриши натижасида ҳосил бўлган янги кўллар аниқланди. Табиий ғўсиқ ўпириб, кўл суви пастликка интилгудек бўлса бир қатор аҳоли пунктлари учун хавфли сув тошқини рўй бериши мумкин эди. Ўз вақтида кўрилган тадбирлар туфайли фалокатнинг олди олинди. Мутахассисларнинг айтишларича, космик маълумотлар территориянинг табиий-иқтисодий имкониятларини Ердагига қараганда уч-тўрт марта тезроқ ва 12—15 ҳисса кам маблағ сарфлаган ҳолда тадқиқ этиш имконини бераётир. Ҳозир олимлар космонавтларнинг космик сафари чоғида олган материалларини синчиклаб ўрганишяпти.

Ҳ. НУРМУҲАМЕДОВ,
илмий ходим.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

МАССИВ ОБОД БЎЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Болгарские огороди» массиви йил сайин ободонлашиб бормоқда. Кейинги бир йилда бу ерда катта қурилиш ишлари амалга ошди. Ўнта янги беш қаватли турар-жой, билим юрти бинолари битказилиб, фойдаланишга топширилди. Янги квартираларга пойтахтимиздаги авторемонт заводи ишчиларининг оилалари кўчиб кириб, ҳовли тўйлари ўтказмоқдалар.

Массив аҳолисининг фарзандлари учун икки қаватли болалар боғча-яслиси қуриб берилди. Ленин район халқ маорифи бўлимига қарашли бу боғча-яслига 140 ўғилқиз қабул қилинди.

Эски биноларга жойлашган «Автодормехбаза»си, 1-автобус парки атрофлари ҳам кўркамлаштирилиб, катта реконструкция ишлари бажариляпти.

И. РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳри.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ХАЛҚАРО ВАЗИЯТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ УЧУН

◆ ВЕНА. «Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасининг хавф-хатарини тўла англамоқда ва Женевадаги ҳамда бошқа халқаро анжуманлардаги музокаралар қуроллояроғларни чеклаш тўғрисидаги битимлар ишлаб чиқилиши билан ниҳоясига етишидан чинакамига манфаатдордир,— деди социалистик интернационал маслаҳат кенгашининг секретари Вальтер Хаккер (Австрия). У ўртоқ М. С. Горбачевнинг социалистик интернационалнинг қуролсизланишга оид маслаҳат кенгаши билан Кремлда бўлиб ўтган учрашуви якунларини шарҳлаб, социалистик интернационал намояндалари музокаралар ва аввало Женевадаги музокаралар шундай олиб борилиши керакки, бунда гўё ана шу музокаралар қуролланиш пойгаси янада кучайтирилишини пана қилувчи бир нисбатини холос, деган таассурот вужудга келмаслиги лозим деган фикрда совет томони билан якдил бўлганликларини қайд этиб ўтди.

◆ ХЕЛЬСИНКИ. СССРнинг тинчликсевар йўлини бутун дунё тўла тушуниб қўллаб-қувватламоқда, деб таъкидлайди «Кансан уутисет» газетаси. Кўпгина мамлакатларнинг жамоатчилиги ва раҳбарлари кескинликни юмшатиш сиёсатига қайтиш, давлатлар ўртасида сиёсий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш керак деган қатъий фикрни билдирмоқдалар. Ҳозир кўпгина мамлакатларда йирик ижтимоий-сиёсий куч бўлиб қолган урушга қарши ҳаракат шу йўлда қатъиян курашмоқда. Ядро асрида давлатларнинг хавфсизлиги кучга ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишга асосланиши мумкин эмаслигини тушуниш кенг кўламда қарор топмоқда.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Америка Си-Би-Эс телекомпаниясининг диктори қуйидагиларни қайд этди: Европада Америка ядро ракеталари жойлаштирилишини тўхтатиш билан бир вақтда Совет Иттифоқининг жавоб чоралари кучайтирилишининг тўхтатилиши Женевада муҳокама этилаётган масалалар бутун комплексини ҳал қилишга жиддий қўмаклашган бўлур эди, деган комил ишонч Москвада изҳор этилди. Совет Иттифоқи томонларнинг ядровий аслаҳахоналари кўпайтирилмаслигини, ракеталарни бундан буён жойлаштириш тўхтатилишини таклиф этмоқда.

◆ ТОКИО. СССР Женевада аҳдномага эришишни таъминлаш лозим бўлган тадбирлар комплексини олга сурди, деб таъкидлайди «Майнити» газетаси. Айни вақтда Москва қуролланиш пойгасини ҳозир жиловламаган тақдирда у сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиши мумкин, ўшанда назорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар бошланиб кетади, деб ғоят жиддий огоҳлантирди.

◆ ДЕҲЛИ. «Таймс оф Индиа» газетаси ядровий ва космик қуролларга бағишлаб Женевада ўтаётган Совет—Америка музокараларига нисбатан СССРнинг изчил позициясига юксак баҳо беради. «Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар олға сурган ва ядро урушининг олдини олишга қаратилган кенг миқёсли тинчликсевар ташаббусларни ҳозирги замоннинг ғоят хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлари тўлатўкис қўллаб-қувватламоқдалар, деб уқтиради газета. — Ана шу ташаббуслар БМТнинг давлатлар жаҳон ҳамжамияти қарашларини ифода этувчи қарорлари билан ҳамоҳангдир».

◆ НИКОСИЯ. Дунё Женевадаги Совет—Америка музокараларига катта умид боғламоқда, деб таъкидлайди Кипрнинг «Харавги» газетаси. Бу музокараларнинг мақсади космосга қуроллаштиришга эмас, балки космосга қуролларни чеклаш ва қисқартиришга қаратилган эканлигини ҳеч ким шубҳа остига олмаслиги керак, деб ёзади газета.

Африка миллий конгрессининг йўлбошчиси Нельсон Мандела 23 йилдан бери қамоқдадир. Н. Манделанинг қизи Зинзи Йоханнесбург яқинидаги Соуэто шаҳрида бўлиб ўтган оммавий митингда отасининг мактубини эълон қилди. Бу хатда Н. Мандела мамлакатда ирқчилик мавжуд экан, Претория режими билан ҳеч қандай музокара олиб бормаслигини баён қилган. Суратда: Зинзи отаси Н. Манделанинг мактубини ўқиб беряпти.

АП-ТАСС телефотоси.



ТЕХНОЛОГИЯ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

БРАТИСЛАВА. Бугун шарқий Словакиядаги Пряшов шаҳрида роботсозлик билан шуғулланувчи Чехословакия — Совет илмий маркази тантанали очилди.

«Робот» номини олган бирга-ликдаги лойиҳа-конструкторлик ва технология марказининг ташкил этилиши Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги иқтисодий кенгаши қарорларини амалга ошириш, СССР билан ЧССР ўртасида робот техникаси соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим қадам бўлди. (ТАСС).

СИНОВДАН «АЪЛО» ДАРАЖАДА ЎТДИ

БЕРЛИН. СССР билан ГДР мутахассислари биргаликда яратган тамомила янги конструкциядаги тўқув автомат станоги синовдан «аъло» даражада ўтди. Миттвайда деган жойдаги (Карл-Маркс-Штадт) фабрикада ўрнатилган ўнта шундай агрегатлари бўлган поток линия тажриба учун синаб кўрилди. Бундай агрегатлар ўзининг ҳозирги вақтдаги мавжуд намуналаридан деярли икки баравар унумли эканлигини тасдиқлади.

Янгилик — иккала мамлакат ўртасидаги муттасил чуқурлашиб бораётган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик самарадорлигининг кўплаб далилларидан биридир.

ГДР халқ хўжалиги республика ташкил этилган дастлабки кунларданоқ СССР билан қалин ҳамкорликда ривожланди. Ҳозирги вақтда бундай қардошларча ҳамжиҳатлик халқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олган. Республикада барча илмий-техникавий вазифаларнинг 80 процентдан кўпроғи СССР билан биргаликда ҳал этилмоқда. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқидаги шериклари билан мустаҳкам алоқа боғламаган бирорта корхона ёки илмий муассасани учратиш қийин.



АҚШда катталиги бўйича иккинчи ўринда турадиган Лос-Анжелес шаҳри маъмурлари бошпанасизларга қарши чинакамига уруш эълон қилдилар. Полициячилар бир неча ўнлаб оилалар вақтинча яшаб турган чодирли шаҳарчани бузиб ташлашди. Бу ерда уйсизлар муаммоси ғоят кескинлигига қарамай шаҳар муниципалитети социал эҳтиёжлар учун маблағларни қисқартиришни давом эттирмоқда. Ҳозирги кунда шаҳар аҳолисидан 30 мингдан кўпроқ одам уй-жойга эга эмас. Суратда: полиция томонидан бузиб ташланган чодирли шаҳарчада.

АП—ТАСС фотоси.

ЮКСАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЮТУҚЛАРИ

УЛАН-БАТОР. Германия фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги олдидан ўтказилган зарбдор вахта давомида МХР ёқилғи-энергетика саноатининг коллективлари юксак ишлаб чиқариш ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Илғор совет тажрибасини, новаторлик ечимларини практикага кенг жорий этиш, ички резервлардан энг кўп даражада фойдаланиш ана шу коллективлар эришган муваффақиятнинг негизидир.

Социалистик Монголияда ёқилғи-энергетика тармоғи жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, шу беш йилликнинг ўзидагина бу ерда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 20 процент ўсди.

Мамлакатда энг катта Боғанур энергетика комплекси бунёд этилиши тармоқ моддий-техника базасини мустаҳкамлашда сифат жиҳатидан янги босқич бўлди. Яқинда қурувчиларнинг интернационал коллективи кўмир қазиб олиш корхонасининг биринчи навбатини фойдаланишга топширди. Корхона лойиҳадаги қувватга эришгач, ҳар йили 6 миллион тонна кўмир қазиб оладиган бўлади.

БУГУН — ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

ДАВР ТАЛАБИ АСОСИДА

ХАЛҚАРО театр куни — театр санъати намояндаларининг анъанавий байрами ҳисобланади. Бу байрамни ўзбек театр санъати ижодкорлари қандай кутиб олмоқдалар? Мухбиримизнинг бу саволга Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениеси президиуми раисининг ўринбосари, санъатшунос Б. НАСРИДДИНОВ шундай жавоб қайтарди:


— ТЕАТР совет кишиларининг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. У кишиларнинг тафаккури ва қалбига, уларнинг ички дунёсига ўзининг бебаҳо қудрати билан таъсир ўтказади. Совет театр санъати намояндалари доҳиймиз В. И. Ленининг санъатнинг партиявийлиги ва халқчиллиги ҳақидаги ўлмас таълимотига таянган ҳолда, рус ва жаҳон саҳна санъатининг классик анъаналарини ижодий жиҳатдан ривожлантириб, ўзларининг ҳар бир саҳна асарларида совет кишилари характерининг энг яхши қирраларини очишга, уларнинг яратувчилик фаолиятини кенг кўламда кўрсатишга, коммунистик ахлоқ нормаларига номувофиқ бўлган барча хатти-ҳаракатларга қарши кескин кураш олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, халқаро театр куни Халқаро театр институтининг IX конгресси қарорига мувофиқ 1961 йилдан буён нишонланиб келмоқда. Мазкур ташкилотнинг установида, Халқаро театр ташкилоти фаолиятининг йўналишида халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни чуқурлаштириш, санъаткорларнинг ижодий ҳамкорлигини кенгайтириб бориш асосий вазифа қилиб қўйилган. Совет Иттифоқи ҳам Халқаро театр институтининг ана шу эзгу ишларида фаол қатнашмоқда. Айниқса, бу ишга мамлакатимиздаги Театр институти, болалар ва ўсмирлар учун театр ассоциацияси, театр танқидчилари уюшмаси сингари ижодий ташкилотлар салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Совет театр санъатида тарихий-инқилобий, замонавий мавзуларда яратилган спектакллар кенг томошабинлар диққат-эътиборини қозонмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда халқаро мавзулардаги саҳна асарлари ҳам халқимизга манзур бўлмоқда. Ўзбекистонда ҳозир 30 та профессионал театр коллективи томошабинларга ҳар йили 150 дан ортиқ янги саҳна асарларини тақдим этмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этишдек улуғвор ишга ўз ҳиссаларини қўшаётган республикамизнинг театр санъати намояндалари шу кунларда қизғин ижодий изланишлар олиб бормоқдалар. Хусусан, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг ижодий коллективи томонидан Ўзбекистон ССР халқ шоири Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди» комедияси, кичик саҳнада эса У. Назаровнинг «Ойна» драмасининг саҳналаштирилиши, М. Горький номли рус давлат академик драма театрида таниқли драматург А. Гельманнинг «Зинуля» драмаси томошабинларга туҳфа қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Албатта, қўлга киритилаётган ютуқлар билан кифояланиш асло мумкин эмас. Ҳозирги мураккаб давр театр санъати ижодкорлари зиммасига янада улкан ва масъулиятли вазифалар юкламоқда. Халқимиз КПСС XXVII съезди ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қизғин меҳнат қилаётган шу кунларда саҳна санъати намояндалари ҳам ўзларини яратувчилар сафида, деб билмоқдалар. Ўзбек совет театр санъати ижодкорлари халқаро театр кунини байрам қилар эканлар, бундан кейин ҳам томошабинларга тақдим этилаётган саҳна асарларида замондошларимизнинг маънавий дунёсини ғоявий-бадиий жиҳатдан баркамол образларда очиб беришга ҳаракат қилаверадилар, давр билан ҳамнафас бўлишга интиладилар, деган ниятдамиз...





СУРАТЛАРДА: У. Назаровнинг Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг кичик саҳнасида намойиш этилаётган «Ойна» драмасидан айрим саҳналар. (Чапдан) Арслон ролида актёр Е. Саъднев, Қосимжон — О. Юнусов, Акбар — Т. Азизов.

М. Исломов фотолари.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

БЕКАТЛАРДА САРҒАЙИБ

Автобусларнинг «Олой бозори» бекатида узоқ туриб қолдик. 188-тезюрар автобус анчадан бери йўқ эди.

— Бу автобусларга ҳечам сон-тегмали-да. Қачон қарасанг, шу аҳвол. Қани, опажон, нимасини айтасиз, ўтган куни шу автобусни роса бир соатдан ортиқ кутгандим. Тағин кунлар исиб вақт ўтганлигини билмай турибмиз. Анови кунлардаги совуқларда чеккан азобимизни кўрсангиз эди. Юринг, диспетчердан сўрайлик-чи, балки 188-автобуснинг бекати кўчгандир...

«Олой бозори» автостанциясида жойлашган диспетчерлик пунктига кириб айни жанжалнинг устидан чиқиб қолдик. Маълум бўлишича, 188-тезюрар автобус ҳайдовчиси Холматов охирги бекатга кечикиб келган экан. Навбатчи-диспетчер Лариса Гренько билдирган эътирозга ҳеч қулоқ солгиси келмасди. Шу куни соат 14-у 13 минутда жўнаши керак бўлган автобус роса 42 минут кечикиб йўлга тушди.

Шу автостанциядан 5-автобус паркининг 162, 167, 176, 179, 186, 188-маршрутли автобуслари туриши керак эди. Ҳаммаси бўлиб 10 та автобус чиқиши керак эди. Амалда 4 таси чиқди. Улар интервали 20—22 минут бўлиши керак эди. Лекин автобуслар ҳам бўлгани учун интервал 30—40 минутга чўзилиб кетди. Ҳайдовчиларнинг майда-чуйда баҳоналари билан интервал баъзан 1 соат, ҳатто ундан ҳам ошиб кетади.

Бу сабабларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида 5-автопарк томон йўл олдик. Бизни аввалига илиқ қарши олган директор ўринбосари Х. Умархўжаев мақсадимизни билгач:

— Директор рухсатисиз бирор нарса айтиб беролмайман. Улар келиб топшириқ берсалар, бажараман, — деди.

— Бўлмаса партия ташкилоти секретари, халқ контроли группаси раиси билан суҳбатлашсак бўладими?

— Уларнинг йўли бошқа.

Хонага партия ташкилоти секретари С. Анорбоев, халқ контроли группаси раиси Э. Холмуҳамедовлар кириб келишди. Суҳбат давомида автопаркда 181 та автобус борлиги, шулардан 103 таси маршрутга чиқаётганлиги маълум бўлди.

— Ўтган йил маршрутлар бўйлаб нечта рейд ўтказилганди? — сўраймиз группа раисидан.

— 20 та атрофида бўлди, — деди у ўйлаб туриб. — Мана журналга ёзиб қўйганмиз.

Журналда рейдлар, иштирокчилар ва қачон ўтказилганлиги ёзилган, холос. Автлар ва протоколларни кўриб бирон нарсани аниқ билолмадик. Рейдларни санаганимизда 20 та эмас, 6 та чиқди.

— 1985 йилнинг январь, февраль ойлари учун тузилган группа иш планлари бажарилмай қолибдику, — яна группа раисига мурожаат қиламиз. — Белгиланган рейдлар ўтказилмабди.

Раис елка қисади.

Партия ташкилоти секретарини суҳбатга тортамиз.

— Ўтган йили группа ҳисоботини икки марта партбюрода эшитгандик, шу ойда яна эшитмоқчимиз, — деди у.

— Группанинг бу йилги қайси қилган ишини эшитмоқчисиз?! Январь, февраль ойларида бирорта рейд ўтказилмаган бўлса, икки ой давомида учта маршрут бўйлаб қатнаётган автобус ҳайдовчилари иши текширилиши керак эди. Лекин план қоғозда қолибди-ку.

...Автопаркда халқ контроли экрани ҳам кўринмайди. Ўтган йилги мажбуриятлар қандай бажарилганлиги, бу йилги вазифаларни кўрсатувчи стендлар йўқ. Ҳурмат тахтаси бўм-бўш.

— Расмларнинг ҳаммаси бор эди, — дейди Э. Холмуҳамедов, — Қор-ёмғирларда қолиб кетди. Энди уларга панароқ жой излаяпмиз. Ўзи бизда илғорлар кўп эмас. Ҳайдовчиларимизнинг 60 проценти колхоз-совхозлардан қатнайди. Баҳор келиб дала ишлари бошланяпти. Бироздан кейин пилла бокишга киришилади. Бу ишларда улар иштирок этишмаса бўлмайди.

Бу баҳона эмас. Интизом бўшашган жойда унум бўлмайди. Автопаркда ҳайдовчилар ишини тўғри ташкил этиш, автобуслардан самарали фойдаланишнинг бой резервлари бор. Лекин корхона раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари бу масала билан жиддий шуғулланмаяпти. Ҳайдовчилар ҳоҳласа рейсга чиқаяпти, ҳоҳламаса ярим йўлдан қайтиб келяпти. Бекатларда эса одамлар автобус кутиб вақтни беҳуда ўтказишяпти.

А. ҒУЛОМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



— Яхши қиз, ўзим элтиб қўяман.
— Раҳмат, ҳимматингизни менга эмас, бир неча соатдан буён автобус пойлаётган анави йўловчиларга кўрсатинг...

О. Бобожонов чизган расм.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОНИКА ФИРМА МАГАЗИН — САЛОНИ


«ЭЛЕКТРОНИКА-МК-45» СТОЛ КОМПЬЮТЕРИ

МУРАККАБ ИЛМИЙ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ БАЖАРАДИ

УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ:

— сонларни экспоненциал жамлайди;
— индикация регистрига «П» рақамни чақиради;
— факториал, тригонометрик функциялар, тўғри ва тескари миқдорларни ҳисоблайди;
— табиий ва ўнли логарифмларни, антилогарифмларни ҳисоблайди;
— даражага кўтаради;
— илдизни чиқаради;
— даража миқдорларини радианга ўтказади;
— иккита бир хил қавс ичидаги мисолларни ечади;
— хотира билан ишлаётган чоғида арифметик операцияларни автоматик тарзда бажаради;
— фақат биргина функцияни бажариш учун ҳар бир клавишдан фойдаланилади;
— габарити 241x185x77.

Баҳоси — 125 сўм.



ФРЯЗИН «ЭЛЕКТРОНПРИБОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.
«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да **Зебунисо** (12.00), **Зебунисо** (19.30), 28/III да **Ғийбат** (12.00), **Ғийбат** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида «Саҳнада москваликлар»** (10.30, 13, 16, 19.00).

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИДА

Қулайлик

Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўзбекистонлик студентлар билан бир қаторда мамлакатимиз ва ер юзининг турли бурчакларидан келган ёшлар таҳсил кўришади. Шу сабабли бу ерда авиакасса очишга эҳтиёж туғилиб қолди. Студентларга қулайлик яратиш мақсадида яқинда институт 11-ётоқхонасининг биринчи қаватида авиабилетлар сотиш учун касса ишлай бошлади.

Конкурс эълон қилинди

Институтда бадиий ижодга қизиқадиган ёшлар кўп. Яқинда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб энг яхши шеър, ҳикоя, очерк ва фотосуратлар учун конкурс эълон қилинди. Юқори баҳоланган асарлар институтнинг кўп тиражли «Агроном» газетасида эълон қилинади. Авторлар қимматбаҳо совғалар, диплом ва фаҳрий ёрлиқлар билан мукофотланадилар.

Студентлар спартакиадаси

Яқинда зооинженерлар тайёрлаш факультети студентларининг курслараро спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақалар факультет декани Х. Ғоибов, жисмоний тарбия факультетининг ўқитувчилари В. Губина ва О. Холодняларнинг ташаббуси билан уюштирилди. Спортнинг қўл тўпи, стол тенниси, баскетбол ва гимнастика турлари бўйича командалар беллашди. Беллашув натижасида иккинчи курс студентлари ғолиб, деб топилди.

Ш. ТАЛАЕВ,
Оржоникидзе райони.

БУЮРТМА МУЛЬТФИЛЬМЛАР

СССР «Госкино» буюртмаси асосида ҳар йили кўплаб фильмлар яратилмоқда. Бундай муҳим ижодий ишга «Ўзбекфильм» киностудияси ҳам муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу йил студия қатор мультфильм картиналарини ҳам буюртма асосида суратга олади. Ана шу ижод намуналари орасида болаларни гўзал табиатни севиб-ардоқлашга, ҳайвонот оламини сақлашга даъват этувчи ленталар бор. «Қушларни овловчи бола» картинаси болаларни қушлар билан дўст бўлишга ундайди.

«Гул куйлайди» новелласининг темаси ҳам «Қушларни овловчи бола» мультфильмига яқин. «Қувноқ ёмғир» новелласи эса музикали лавҳаларга бой. Режиссёр С. Муротхўжаев постановка қилаётган бу фильмга композиторлардан Э. Пак, Д. Омоновлар қувноқ музика басталадилар.

С. ОДИЛОВА.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИДА

Қулайлик

Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўзбекистонлик студентлар билан бир қаторда мамлакатимиз ва ер юзининг турли бурчакларидан келган ёшлар таҳсил кўришади. Шу сабабли бу ерда авиакасса очишга эҳтиёж туғилиб қолди. Студентларга қулайлик яратиш мақсадида яқинда институт 11-ётоқхонасининг биринчи қаватида авиабилетлар сотиш учун касса ишлай бошлади.

Конкурс эълон қилинди

Институтда бадиий ижодга қизиқадиган ёшлар кўп. Яқинда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб энг яхши шеър, ҳикоя, очерк ва фотосуратлар учун конкурс эълон қилинди. Юқори баҳоланган асарлар институтнинг кўп тиражли «Агроном» газетасида эълон қилинади. Авторлар қимматбаҳо совғалар, диплом ва фаҳрий ёрлиқлар билан мукофотланадилар.

Студентлар спартакиадаси

Яқинда зооинженерлар тайёрлаш факультети студентларининг курслараро спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақалар факультет декани Х. Ғоибов, жисмоний тарбия факультетининг ўқитувчилари В. Губина ва О. Холодняларнинг ташаббуси билан уюштирилди. Спортнинг қўл тўпи, стол тенниси, баскетбол ва гимнастика турлари бўйича командалар беллашди. Беллашув натижасида иккинчи курс студентлари ғолиб, деб топилди.

Ш. ТАЛАЕВ,
Оржоникидзе райони.

СПОРТ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»

СОВРИНИ УЧУН

Фарғонанинг Яйпан шаҳрида «Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун марафонча югуриш ва спортча юриш бўйича республика шахсий-команда чемпионати бўлиб ўтди. Анъанавий бу мусобақа еттинчи марта ўтказилди. Дастлабкисида 13 спортчи иштирок этиб, уларнинг орасида бирорта спорт мастери йўқ эди. Бу ғалгисида 120 дан ортиқ киши қатнашди. Уларнинг кўпчилиги спорт мастери ва мастерликка номзодлардир.

Бундай мусобақани ташкил этишдан асосий мақсад оммавийлик учун бўлганлиги сабабли катта стартдан олдин 5,5 мингдан кўп ўқувчилар, турли касб эгалари ўзаро куч синашдилар.

Анъанавий шахсий-команда чемпионати 12 масофа бўйича ўтказилди. 182 очко жамғарган Тошкент область команда си биринчи ўринни эгаллади. Ўтган йилги чемпион — Фарғона области спортчилари иккинчи ўринда қолдилар. Тошкент шаҳри коллективи учинчи ўрин билан чегараланди.

Областимиз вакили А. Базалеев 30 километрга спортча юришда 2 соат 15 минут 03 секунд натижа кўрсатди ва республика рекордини ўрнатди. 42 километр 195 метрга югуришда ангренлик В. Белобородов 2 соат 19 минут 02 секунд натижа билан ажойиб ғалабага эришди. Шунингдек, областимиз вакилларидан С. Тайманкина, Р. Сингатуллина, Р. Дарвешов, Р. Низомов, З. Иноқовлар турли масофаларга югуриш ва юришда биринчи ўринларни эгалладилар.

«СОҲИБКОР»НИНГ

ҒАЛАБАСИ

Усмон Юсупов хотирасоврини учун футбол бўйича мусобақалар давом этмоқда. Халқободнинг «Соҳибкор» командаси навбатдаги ўйинда пахтакорчилар билан учрашиб, маҳорат кўрсатди ва 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Звезда» (Жиззах) — «Ёшлик» (Тўрақўрғон) — 1:1, «Хонқа» (Хоразм) — «Целинник» (Тўрткўл) — 1:0.

ЁЗГИ ФОРМАГА

Тошкент гарнизони бошлиғининг буйруғига биноан гарнизон қўшинларининг шахсий состави 1985 йил 1 апрелдан ёзги кийим формаси кийишга ўтади.

ҚОИДАБУЗАРЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

УЯТ ЭМАСМИ?

МАЪЛУМКИ, спиртли ичимликнинг бир қултуми ҳам ҳайдовчининг бир дунё хушёрлигини ўғирлайди. Худди шунинг учун кайф ҳолда машина бошқарган шоферларга қарши тобора қаттиқроқ жазо чоралари белгиланяпти. Чунки машина рулини тутган маст одам фақат ўзининг эмас, балки ўзгаларнинг ҳаётига ҳам хавф солади: содир қилинган фалокат туфайли арзимаган бир-икки дақиқа ичида бирнеча одам ҳаётдан кўз юмиши ёки бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолиши мумкин.

Афсуски, мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб туриб, кўра-била туриб, бир қадаҳ спиртли ичимликдан ўзини тиёлмайдиган баднафс ҳайдовчилар ҳамон учраб турибди. Улар орасида туппа-тузук раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган ўртоқларнинг борлиги, айниқса, кишини таажжубга солади...

Масалан, биргина Янгийўл шаҳрининг ўзида бир кунда раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган тўрт киши автомобилни маст ҳолда бошқараётганда қўлга тушди. «Янгиюлторг»га қарашли 2-магазин директори Акбарали Асқаров кечқурун соат 22 да ўзининг Е 26—52 ТШ номерли «Жигули»сида яхшигина отиб олиб кетаётганда тўхтатилди. У ёш бола эмас, ўттиз олтига кирган, бунинг устига коллективнинг раҳбари. Хўш, Акбарали ароқ ичиб машина ҳайдаш мумкин эмаслигига ақли етмасмиди? Қолаверса, раҳбар қўл остидаги одамларга фақат иш юзасидан эмас, балки инсоний жиҳатлари билан ҳам ўрнак бўлиши керак. Ароқхўр директордан унинг ходимлари қандай ўрнак олишади?

03—53 ТШР номерли «Жигули» эгаси — «Нормаль» заводининг бош механиги Исмоил Зокиров, Янгийўл шаҳар комсомол комитетининг ташкилий ишлар бўлими мудири Йўлдош Абдуназаровлар ҳам машинани маст ҳолда бошқаришни ўзларига эп кўришган.

Олтой Исоқов Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда истиқомат қилади, ҳарбий-ҳисоб столининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Ўзининг А 25—69 ТШ номерли «Жигули»сини маст ҳолда бошқарган бу киши ҳарбий хизматга отланаётган ёшларга нима насиҳат қилишини тасаввур этиш қийин.

Пискентдаги «Баҳор» универмагининг товаршуноси Расулхон Абдураҳмонов ҳам киттак отиб олиб, 49—97 ТШХ номерли «Жигули»сида шамолдек елиб кетаётганда тўхтатилди...

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидек, айрим сармаст ҳайдовчилар айбини бўйнига олиш ўрнига автоинспекторга даъдаға ҳам қиладилар. Меликта Бедиров ана шундай ҳайдовчилардан бўлиб чиқди. У Ўрта Чирчиқ районида яшайди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига қарашли тажриба хўжалиги экспериментал-техника ўқув станцияси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлайди. М. Бедиров 22—77 ТШИ номерли «Жигули»сини маст ҳолда бошқараётган эди, автоинспекторларга бўйсунишга бўйни ёр бермай, дивизион командирига дўқ-пўписа қила бошлади. Маст-да, дағдасини «кечириш» мумкин, бироқ ҳайдовчи сифатида ҳамма қатори тартиб бўйича жазоланди — маълум муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Шу райондаги 42-ҳунартехника билим юртининг директори Саъдулла Чуратаев шўрвадан оғзи куйса ҳам қатиқни пуфлаб ичмайдиганлардан экан. У ўтган йили маст ҳолда машина бошқарган учун ўн ойга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилганди. Бу йил 3 мартда яна кайф билан Б 22—60 ТШ номерли «Жигули»га ўтирди ва... авария содир қилди! С. Чуратаев тўғрисидаги материаллар уни жавобгарликка тортиш учун тегишли органга юборилди. Ҳа, СССР Олий Совети Президиумининг «Кўча ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиш» тўғрисидаги Фармонига кўра кимки иккинчи марта маст ҳолда машина бошқарса ҳудди шундай жиноий жавобгарликка тортилади.

Рўйхатни давом эттириш мумкин. Бироқ, мақсад маст шоферларнинг рўйхатини тузиш эмас, балки уч-тўрт мисоллар орқали ичкиликбоз-ҳайдовчиларнинг кўзини очиш, улар сонини камайтиришдан иборат. Гапнинг очиғи, туппа-тузук раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган кишиларнинг мана шунақа хулқи тўғрисида ёзишнинг ўзи қандайдир ноқулай. Бироқ, начора, фактдан кўз юмиб бўлмайди...

М. АҲМЕДОВ,
Тошкент область Давлат автомобиль инспекциясининг бошлиғи, милиция майори.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 29 мартда чиқади).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТВ

БУГУН

МОСКВА I. 9.00 — «Время». 9.40 — Саёҳатчилар клуби. 10.40 — Ғалаба стратегияси. 3-фильм. 11.45 — Виз билан зерикмайсиз. Телеспектакль 2-серия. 12.35 — Концерт. 13.15 Поэзия. 13.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.35 — Келажакдан келган меҳмон. Бадиий фильм. 3-серия. 17.40 — Англоланинг машаққатли йўли. 18.10 — Дўстона Армиялар X қишки спартакиадасига бағишланган кўрсатув. 18.40 — Дунё ва ёшлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — СССР халқ артисти Ю. Мазурок куйлайди. 20.20 — Халқаро театр куни. 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол бўйича халқаро учрашув. СССР — Австрия терма командалари. 23.45 — Дунё воқеалари. 24.00 — С. Прокофьев. 2-квартет.

МОСКВА II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Концерт. 9.35 — Тележурнал. 10.20 — Спорт ҳафталиги. 10.50 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 11.35 — Оила ва мактаб. 12.05 — Фильм-концерт. 12.35 — Ҳужжатли фильмлар. 13.45 — Концерт. 14.50 — Немис тили. 15.20 — Поэзия. 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 19.20 — Фильм-концерт. 19.30 — Мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Социалистик экономиканни бошқариш. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 2-серия. 22.55 — Спорт ҳафталиги. 23.25 — Концерт.

ТОШКЕНТ I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Телефильм. 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Пионерлар мамлакатида. 12.30 — ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.45 — Фильм-концерт. 19.15 — Ғалаба паради қатнашчиси Шерали Битурсунов. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Инсон ва қонун. 20.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 20.30 — Ахборот 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Театр ва замон. 23.35 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 16.10 — Москва II 18.15 — «Ёшлик». 18.35 — Эстетика асослари. 19.15 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.25 — Кинопрограмма. 21.30 — Москва II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси — 325351; редактор ўринбосарлари — 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 325556; совет қурилиши — 325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; адабиёт ва санъат — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; фельетонлар — 325556; фотомухбир — 325894.

Р. 11155. А. 1671. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12